ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
13 сентябрь, шанба 1997 йил №107 (457)
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

*Касаба уюшмаларида*

## ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

Жиззах вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати касаба уюшма қўмитаси режа асосида фаолият кўрсатиб, соҳа ходимлари ўртасида меҳнат муҳофазасининг ташкил этилиши, ижтимоий ҳимоя, янги ҳужжатларни алмаштириш юзасидан семинар ўқувлар ташкил этди.

Яқинда касабақўм тизими ташкилотларда спартакиада ўтказиш йўлга қўйилди. Шу кунгача спортнинг тўрт тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ташкилотларидан 12 та команда қатнашди.

**Алибой ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# БУГУН: ЮНУСОБОД ДУНЁ СПОРТ САҲНАСИ

Эртага Ўзбекистон «Президент Кубоги» тўртинчи халқаро турнирининг ғолиблари аниқланиб, мусобақанинг тантанали равишда ёпилиш маросими бўлиб ўтади.

Турнир қатнашчилари бугун 8-кунги беллашувларини ўтказадилар.

Дастлабки маълумотларга келадиган бўлсак, бош соврин учун олиб борилаётган асосий гуруҳдаги 32 теннисчининг кун сайин сафи қисқариб бормоқда, маълумки, учрашувда бой берган теннисчи мусобақадан чиқиб кетади. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси биринчи ракетчимиз Олег Огородов нимчорак беллашувларида россиялик Андрей Столяров билан куч синашди. Ўйин 6:3, 3:6, 3:6 ҳисобида Столяров фойдасига ҳал бўлди.

Хабар берганимиздек, юртдошимиз Олег дастлабки учрашувни швейцариялик Ибо Хювергер билан ўтказиб, унда бир мунча устунлигини аниқ намойиш этган эди. Юртдошимизнинг фикрича, «Қатнашчиларнинг ҳар биттаси жуда катта тайёргарлик кўриб келишган, кучсизларидан кучлилари кўпроқ, бас шундай экан, қатнашчиларнинг аксарияти Кубок учун даъвогардир».

Унинг рақиби Андрей Столяров ҳам худди шундай кучли рақиблардан бири ҳисобланади. У дастлабки учрашувда германиялик теннисчи Николас Киферни 6:1, 6:7, 6:1 ҳисоби билан енгиб, нимчорак финалга йўлланма олган эди. «Президент кубоги» нимчорак баҳсларига чиққан ҳар бир теннисчи 11,500 АҚШ доллари қийматидаги пулни нақд қилиб қўяди. Буюк британиялик моҳир теннисчи Тим Хенман «Президент кубоги» мусобақаларида биринчи бўлиб чорак финал баҳсларига йўлланма олди. У дастлаб «Президент кубоги» баҳсининг тантанали очилишидан сўнг, франциялик Тьери Шампион билан кортга чиқиб, 6:4, 6:7, 7:4 ҳисобида устун келган бўлса, кеча у россиялик Александр Волковни икки сетда 6:3, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Юқоридаги ҳисобдан кўриниб турибдики, учрашув тўлиқ англиялик теннисчи устунлигида ўтди. Энди Тим Хенман чорак финал баҳсларида америкалик теннисчи Винсент Сподея билан учрашади. Бу америкалик моҳир теннисчи Исроил - теннисчиси билан куч синашиб, 7:5, 6:7, 6:3 ҳисобида ўйинни ўз фойдасига ҳал қилиб, чорак финал мусобақасига йўлланма олди. Шунингдек, испаниялик теннисчи Ховьер Сончес чорак финал мусобақаларига чиқди. У ҳам Франциско Кловит билан кортга чиқади. Сончес бу имкониятга руминиялик Андрей Павелни мағлубиятга учратиб эришди. Биз Сончес тўғрисида гапириб ўтадиган бўлсак, унинг ютуқлар календаридан Прага, Мехико, Сити турнирларидаги ғалабаларини алоҳида таъкидлаш мумкин. У ўтган йили энг кучли эллик профессионал теннисчилар қаторидан жой олди.

Шундан кўриниб турибдики, Сончес бир қанча кучли теннисчилар қатори «Президент Кубоги» учун даъвогар спортчи ҳисобланади.

Швейцариялик Марк Россэ ҳамда италиялик Вирченсо Сантопадре учрашувига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Икки ярим соат қизғин ва муросасиз беллашувлар остида ўтган бу икки кучли теннисчи учрашувда улар ўзига хос ИЕТА рекордини ўрнатди, десак ҳам муболаға бўлмас. Чунки Марк бу ўйинда теннис коптогини зарб билан уришда 216 км/соат тезлик натижасини кўрсатди. Бу эса олдинги 208 км/соат тезликдан анча юқоридир. Турнирнинг биринчи ракеткачиси россиялик Евгений Кафельников ҳам исроиллик Равив Виденфелд билан бўлган беллашувда ўзига хос маҳорат намойиш этди. У кучлилигини яна бир бор исбот этиб, икки сетда ҳам 6:1, 6:4 ҳисобида устун келди.

Австриялик Стефан Коубек ҳамда Марокашнинг биринчи ракеткаси Нишам Аразилар учрашуви эса уч сетда, яъни 3:6, 6:3, 7:6 ҳисобида марокашлик спортчи фойдасига ҳал бўлди.

Чорак финал учрашувида Арази Марк Россэ билан учрашса, Кафельников ҳамюрти Столяров билан ярим финал йўлланмаси билан кортга тушишади.

«Юнусобод» теннис мажмуи баҳслари айни шу кунларда қизғин паллага кирди. Ғолиб эртага аниқланади.

**Улуғбек АҲРОРОВ**









***Бағдод туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги пахтакорлари деҳқончиликда илғор услубларни қўллаб йилдан-йилга катта муваффақиятларга эришиб келишмоқда. Жумладан, ўтган йили хўжалик пахтакорлари пахта тайёрлаш бўйича режаларни туманда биринчи бўлиб уддалаб, юзлари ёруғ бўлганди. Бу йил ҳам хўжалик заршунослари 810 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар майдондан 40 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олишга аҳд қилганлар. Айни кунларда хўжалик далаларида йиғим-терим юксак уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Терим суръатини ошириш учун барча чоралар кўрилган. Пешқадам бригадалардан бири Азимжон Аҳмаджонов етакчилигидаги жамоа аъзолари ҳам ҳар гектаридан олинадиган пахта ҳосилдорлигини 40 центнерданга етказиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бригада чеварлари ўртасидаги мусобақада Комилахон Абдураззоқова пешқадамлик қилмоқда. Кунига хўжалик хирмонига 180-200 килограммга етказиб дур тўкаётган Комила мавсумда ўз шахсий хирмонини 10 тоннага етказишга аҳд қилган.***

*Суратда: чевар теримчи Комила Абдураззоқова.*

*Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.*

***Самарқандда Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги байрами арафасида яна бир янги корхона — Ўзбек-Америка-Литва қўшма корхонаси «Браво-сут» ҳиссадорлик жамияти иш бошлади.***

*Ислоҳот кўламлари*

# «БРАВО — СУТ»: ЎНГЛАНИШ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Хорижий сармоянинг жалб этилиши қарийиб инқирозга юз тутган корхонанинг келажагига умид уйғотди. Қўшма корхона илгариги маҳсулотлар қаторида жаҳон сифат андозаларига мос музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Кўпчилигимиз энг сифатли музқаймоқлар Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилишига ва келтирилишига кўникиб қолганмиз. Аслида музқаймоқ Шарқда яратилган ва Искандар Зулқарнайн давридаёқ машҳур бўлиб кетган. Эндиликда Самарқанд саноатчилари музқаймоқ ишлаб чиқариш тарихида ўз саҳифаларини очишга бел боғладилар.

— Халқимизда «касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади», — деган гап бор. Шу боис дардни қанча эрта айтиб, олди олинса, шунчалик фойдали, — дейди Самарқанд вилоят гўшт-сут саноати уюшмаси раиси Ж. Иброҳимов. — Собиқ сут заводи, кейинчалик «Самарқандсут» ҳиссадорлик жамияти аслида бир кунда ўртача 1000 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Самарқанд шаҳрининг сут маҳсулотларига бўлган бир кунлик эҳтиёжи 38-40 тоннани ташкил этади. Бинобарин, илгари завод маҳсулоти бошқа вилоятларга ҳам жўнатиларди. Лекин чорва фермаларини хусусийлаштириш сиёсатини амалга оширишда жойларда йўл қўйилган хатолар оқибатида чорвачилик маҳсулотлари, хусусан сут ишлаб чиқариш камайиб кетди. Шунинг натижасида кейинги пайтларда сут заводи бир кунда ҳақиқатда 12-13 тонна сутни қайта ишларди, холос. Бу эса таннарх ошишига, маҳсулот туриб қолишига олиб келди. Бундай вазиятдан фақат хорижий сармояни жалб этибгина чиқиш мумкин эди.

Самарқандликлар бир неча йиллар давомида ишончли шериклар излашди. Роса бир йил муқаддам корхона тақдири узил-кесил ҳал бўлди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 19 августда қабул қилган қарорда «Самарқандсут» ҳиссадорлик жамияти акцияларини давлатга тегишли 51 фоизини чет эл сармоядорларига сотиш кўзда тутилди. Ўтган йилнинг декабрида Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш республика қўмитаси, Американинг «Тейлор финансион ЛТД» компанияси ҳамда «Ўзгўштсутсаноат» давлат ҳиссадорлик ассоциацияси ўртасида шартнома имзоланди. Америка томони корхонани янги ускуналар билан таъминлаш, қайта жиҳозлаш, технологияни янгилаш, қадоқлаш воситалари тайёрлаш каби жами 1 млн. 107 минг АҚШ доллари миқдорида иш бажаришни, шунингдек, хом ашё етказиб беришни, янги маҳсулотни сотишни ўз зиммасига олди.

— Бизнинг мақсадимиз истеъмол бозорини жаҳон стандартларига мос маҳсулотлари билан тўлдиришдир, — дейди «Браво-сут» қўшма корхонаси бош муҳандиси Истам Зокиров, — бунга янги технологияни қўллаш, замонавий безакли қадоқлаш воситаларидан фойдаланиб эришилади. Акс ҳолда шунча маблағ ва меҳнат сарфлашнинг фойдаси бўлмайди. Албатта, ишлаб чиқарилган маҳсулотга аҳолининг талаби қай даражадалигини ҳам билишимиз шарт. Шу боис имкониятдан фойдаланиб, сентябрда Бишкекда, октябрда Ашхободда бўладиган халқаро озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмаларида қатнашиш ниятидамиз.

Тўғриси, ҳозир аҳолининг музқаймоққа бўлган талаби сифат ва миқдор жиҳатидан қондирилмаяпти. Шунинг учун корхонада 16 номдаги музқаймоқ ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Статистик маълумотларга қараганда ривожланган мамлакатларда жон бошига бир йилда 25 литр музқаймоқ истеъмол қилинар экан. (Ўлчов бирлиги шундай қабул қилинган). Бизда эса бу кўрсаткич анча паст. Чунки хориждан келтирилган маҳсулот қиммат, шу ерда ишлаб чиқарилгани сифатсиз. Қисқаси, пировард натижа рақобатга бардош беришга ва енгиб чиқишга боғлиқ.

— Музқаймоқ ишлаб чиқариш цехи ускуналари тубдан янгиланди, — дейди И. Зокиров суҳбатни давом эттириб. — Учта катта совутгичли машина келтирилди. Улар маҳсулотни иссиқ об-ҳаво шароитида ҳам узоқ манзилларга жўнатиш имконини беради. 100 та совутгичли кўчма пештахталар келтирилиши маҳсулотни савдо шаҳобчаларида кўпроқ муддат сақлашга имкон беради. Хом ашё таъминотини яхшилаш мақсадида Тойлоқ тумани хўжаликларида ҳар бири 2,5 тонна сиғимли 4 та совутгич ўрнатилди. Бундай усулда сутни жамлаб ташиш туфайли ҳар ойда транспорт харажатлари 200 минг сўмга қисқартирилади.

Бундан ташқари корхона жамоаси тропик ва маҳаллий мева шарбатларини ишлаб чиқаришни бошламоқда. Йил охирига бориб бошқа сут маҳсулотларини харидор учун қулай кичик ҳажмда қадоқланган ҳолда савдога чиқаришни режалаштирган. Олинган фойданинг бир қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланади ва янги иш ўринлари очилади. Ҳамма гап жамоанинг меҳнатга муносабатида, раҳбарларнинг қатъиятида.

Шу аснода яна бир мулоҳазани айтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Албатта, «Браво-сут» қўшма корхонаси жамоасининг шиддатига, ҳаракатига, раҳбарларининг пухта ўйлаб, режали иш юритаётганига шубҳа йўқ. Аммо корхонага зарур хом ашёнинг асосий қисмини четдан келтирилаётган қуруқ сут ташкил этади. Ҳолбуки, уни табиий сут билан тенглаштириб бўлмайди. Шундай экан, Самарқанд шаҳри атрофидаги туманлар ва хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш, сут етиштиришни кўпайтириш, қўшма корхонани сифатли табиий хом ашё билан таъминлаш масаласини ҳал этиш керак. «Браво-сут» фермер хўжаликларига ҳам фойдали ҳамкорликни таклиф этмоқда. Юртимиздаги яна бир корхона ўнгланиш сари, жаҳон бозори сари дадил одимлай бошлаган экан, уни амалда қўллаб-қувватлаш шарт.

**Р. ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# РАҒБАТНИНГ ЎРНИ КАТТА

Республикамиз пахта далаларида йиғим-терим авж олмоқда. Азамат паҳтакорлар тиклаётган хирмон тобора юксалмоқда. Албатта, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олувчини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб боришнинг аҳамияти катта. Бунга Олмалиқ шаҳар давлат муассалари ходимлари касаба уюшма қўмитаси алоҳида эътибор бермоқда.

— Пахта мамлакатимиз иқтисодий соҳасида етакчи ўринни эгаллайди, — дейди қўмита раиси ўринбосари Уринбой Холқулов.- Деҳқонларимиз пахта теримини авж олдиришган. Қўмитамиз ҳосилни тез ва соз йиғиб олиш учун ўз тадбирларини белгилаган. Тадбирларда мусобақага, меҳнат аҳлини рағбатлантиришга катта аҳамият берилган. Жумладан, пахта йиғим-терими мавсумига энг кўп ишчи ва хизматчиларни жалб қилиб, киши бошига энг кўп пахта терган жамоанинг бир аъзосига санаторийда даволаниш ва дам олиши учун бепул йўлланма берилади.

Мусобақада иккинчи ўринни эгаллаган жамоага эса 1 та имтиёзли йўлланма топширилади. Биринчи ўн беш кунликда энг юқори кўрсаткичга эришган теримчи 1000 сўм пул мукофоти билан тақдирланади.

# *МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ*

Алматида кикбоксинг бўйича Қозоғистон чемпиони Собиржон Маҳметов бошчилигидаги саккиз кишилик жиноий тўда устидан ўтказилган суд жараёни ниҳоясига етди. Ушбу жиноий гуруҳ аъзолари уч йил давомида маҳаллий тадбиркорларни қўрқитиб, пул олиб юрганлар. Жиноятчилар орасида тўртта ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг ходимлари бор. Гуруҳ аъзолари уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум этилдилар.

***

Кеча Лондонда Туркманистон Каспий денгизидаги нефть конлари бўйича эълон қилган тендер бўлиб ўтди. Унда Россия, Франция, Италия, Англия, Япония ва бошқа давлатларнинг йирик нефть компаниялари қатнашган.

***

Беш йиллик муҳожирликдан кейин ўз Ватанига қайтиб келган тожик муҳолифат кучларининг бошлиғи Саид Абдулло Нурий аэропортдан тўппа-тўғри ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Унинг билан биргаликда О.Латифий, С.Ниёзий ва бошқалар ҳам қайтишди. Кўзга кўринган сиёсатчи А.Сатторзоданинг айтишича: «Нурийнинг қайтиб келиши барча муаммоларни очилишига ёрдам беради».

***

Би-Би-Си радиосининг берган хабарига қараганда Қозоғистоннинг Чимкент, Қизил Урда вилоятларида вабо вирус юққан бир нечта киши ҳисобга олинган. Республика соғлиқни сақлаш вазирлигинининг вакили Б.Файзулла жанобларининг сўзларига қараганда бу касаллик четдан кириб келган, касалликнинг тарқалмаслик чоралари кўрилган.

# ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Брюсель шаҳридаги НАТО қароргоҳида ушбу ташкилотнинг Россия билан тузган қўшма Кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган НАТО ва Россия вакиллари қўшма Кенгашнинг 26 сентябрь куни бўлиб ўтадиган таъсис йиғилишига тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама этдилар.

* * *

Сербия республикасининг парламенти 13—14 сентябрь кунлари мамлакатда бўлиб ўтадиган ҳокимият учун сайловларга қаршилик кўрсатмаслигини маълум қилди. Маълумки, шу кунга қадар серб парламенти бу сайловларнинг ўтказилишига қаршилик кўрсатиб келмоқда эди. Парламент сайловлар бўлиб ўтишига розилик беришининг бир сабаби халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги кетма-кет талаблари бўлса, иккинчи тарафдан, НАТО полицияси бу сайловлар вақтида ҳарбий жиноятчиликда айбланаётган сербларни қамоққа олмаслик тўғрисидаги талабни қабул қилганлиги бўлди.

* * *

Ақш давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним Яқин Шарқ муаммосини бартараф этишга интилмоқда. У Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху билан учрашиб, уни Фаластин билан муросага келишга чақирди. Шунингдек Олбрайт хоним Фаластин раҳбари Ёсир Арафатдан мамлакатда авж олган терроризмни бартараф этишни талаб қилди.

* * *

Япония БМТ орқали Шимолий Корея мамлакатига 27 миллион доллар ажратишни мўлжалламоқда. Бу маблағ очликка юз тутган кореяликлар учун 70 минг тонна гуруч сотиб олишга етади.

* * *

Чеченистон президенти Аслан Масхадов ўз мамлакатида шариат суди бўйича жиноятчиларни қатл этиш сақланиб қолинади, деб баёнот берди. Чеченистондаги қатл маросимлари Россия Федерацияси раҳбарияти томонидан қаттиқ қораланишига жавобан, Аслан Масхадов Чеченистонда жиноятчиликни йўқотиш учун бундай олий жазо жуда зарурдир, деб айтмоқда.

* * *

Афғонистон шимолида «Толибон» ҳаракати билан унга қарши бирлашган кучлар ўртасида қақшатқич курашлар давом этмоқда. Тўқнашувлар Мозори Шариф шаҳри атрофида бўлиб ўтмоқда. Жанг майдонидан олинаётган хабарлар бир-бирига қарма-қаршилиги билан ажралиб туради. «Толибон»-га қарши кучларнинг маълум қилишларича, улар толибларни Мозори Шарифдан ҳайдаб, Тошқўрғон шаҳарчаси қадар қувлаб борганлар. Толибонлар эса бунинг аксини таъкидламоқдалар. Уларнинг берган хабарларига кўра, ҳозир Мозори Шариф аэропорти уларнинг қўлларида эмиш.

* * *

Бугун Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида онахон Терезанинг дафн маросими бўлиб ўтади. Онахон Тереза жаҳонга машҳур меҳрибонлик жамиятига асос солган. У дунёнинг кўплаб давлатларида хайрия тадбирларини ўтказиб донг таратган. Онахон Тереза ўтган ҳафтада Калькуттада инфаркт хасталигидан вафот этган эди. Бугун Ҳиндистонда дам олиш куни деб эълон қилинган. Бугун ҳинд халқи онахон Терезага мотам тутади. Мамлакатда давлат байроқлари туширилган, ҳар бир ибодатхона, масжид ва черковларда онахон руҳига бағишланган тиловатлар ўқилмоқда.

**Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида**

